O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 24 феврал шанба
Сотувда эркин нархда
№ 42 (2604)

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*

*ҚАРОРИ*

## Қурбон ҳайитни нишонлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Диний байрам — Қурбон ҳайитни дам олиш куни деб эълон қилиш ҳақида" 1991 йил 20 июндаги 221-сон Фармони ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Жорий йилда Қурбон ҳайитининг биринчи куни 6 мартга тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идораси мурожаатини эътиборга олиб, 2001 йил 6 март дам олиш куни деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Мутасадди идоралар ва жамоат ташкилотлари Қурбон ҳайити байрамини жойларда муносиб тарзда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсинлар.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2001 йил 23 феврал.

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

23 феврал куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда "Кейс-Нью Ҳолланд" корпорацияси директорлар кенгаши раиси Жан Пьер Россони қабул қилди.

"Кейс-Нью Ҳолланд" корпорацияси мамлакатимизда бир неча йиллардан буён муваффақиятли фаолият кўрсатиб келяпти. Айни пайтда "Кейс" русумли техниканинг мамлакатимиз далаларида ишлаб келаётгани ҳамкорликнинг самарали бўлаётганидан дарак беради. Корпорация билан ҳамкорликда ташкил этилган "ЎзКейсмаш" қўшма корхонасида эса мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги учун кўплаб техника воситалари ишлаб чиқарилмоқда. Жумладан, 1997-2000 йиллар давомида бу ерда 697 дона "Кейс" пахта териш машинаси йиғилди. 2000 йилда ишлаб чиқарилган 200 машина лизинг асосида хўжаликларга сотилди. Жорий йилда қўшма корхонада қўшимча равишда яна 100 дона пахта териш машинаси ишлаб чиқариш тўғрисида келишувга эришилган. Ҳозир "ЎзКейсмаш"да Хитой ва Осиёнинг пахта экиладиган бошқа мамлакатларига етказиб бериш учун 4 ва 5 қаторли шундай машиналар йиғишни ташкил этиш бўйича тайёргарлик бормоқда.

"ЎзКейстрактор" қўшма корхонаси ҳам "Кейс-Нью Ҳолланд" билан ҳамкорликда ташкил этилган бўлиб, сўнгги икки йилда бу ерда 238 дона универсал ҳайдов трактори йиғилди. Жорий йилда яна 100 дона трактор ишлаб чиқариш режалаштирилган.

Айни пайтда корпорация Ўзбекистонда гидравлик экскаваторлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни мўлжалламоқда. 1999-2000 йилларда Тошкент ва Хоразм вилоятларида иккита ана шундай экскаваторнинг маҳаллий шароитга мослиги борасидаги синовлар муваффақиятли якунланди. Шу сабабли жорий йилнинг иккинчи ярмидан дастлабки элликта экскаватор ишлаб чиқарилиши мумкин.

Таъкидлаш керакки, корпорация билан ташкил этилган қўшма корхоналарда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш борасида ҳам сезиларли ишлар қилинмоқда. Жумладан, бу ерда йиғилаётган техника учун бутловчи қисмларни юртимизда тайёрлаш даражаси 2000 йилда 15,4 фоизга етди. Жорий йилда ҳам ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириб, бу кўрсаткични 31,1 фоизгача етказиш мўлжалланган.

Қабул чоғида давлатимиз раҳбари "Кейс-Нью Ҳолланд" билан алоқалар тобора чуқурлашиб бораётганидан мамнуният изҳор этаркан, корпорацияни Ўзбекистоннинг ишончли ҳамкори, деб билишини алоҳида таъкидлади.

Учрашувда ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш, мамлакатимизнинг "Кейс-Нью Ҳолланд" билан шерикликда иш юритаётган корхоналарида ишлаб чиқарилаётган техникани замонавийлаштириш, янги технологияларни жорий этиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

**(ЎзА).**

## Хайрли ишлар янада кўпаяди

***Вазирлар Маҳкамасининг куни кеча матбуотда эълон қилинган "Наврўз байрами муносабати билан мамлакатимизда "Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги" ўтказиш тўғрисида"ги қарорида феврал-март ойларида юртимизда янги боғ-роғлар барпо этиш, мавжуд боғлар, хиёбонлар, маҳаллаларни ва бошқа жамоат жойларини тартибга келтириш билан боғлиқ талай хайрли ишларни амалга ошириш кўзда тутилган.***

Вазирлар Маҳкамасида айни қарорнинг ижросини таъминлаш юзасидан Республика ташкилий гуруҳининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда алоқадор вазирлик, қўмита, уюшма, идора ва ташкилотлар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ташкилий гуруҳ раиси Ҳ.Кароматов бошқарди.

Сўзга чиққанлар бу борадаги саъй-ҳаракатларимиз ўлкамизнинг барча туман ва шаҳарларида кенг миқёсли ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш тадбирларини қатъиятлик билан амалга ошириш, умумхалқ ҳашарларини уюштириш, манзарали ва мевали дарахтлар, гуллар экиш ва уларни парваришлаш, бу ишларни ташкил этишда ташаббускорликни рағбатлантириш, аҳолининг, айниқса, ёшларнинг қалбида яратувчанлик, ўзаро ҳамжиҳатлик, биродарлик ва меҳр-оқибат туйғуларини кучайтиришга қаратилмоғи лозимлигини таъкидладилар. Айни пайтда ёрдамга муҳтож кишилар, ёлғиз қариялар ҳамда меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига алоҳида эътибор қаратиб, моддий ва маънавий кўмак беришни янада кучайтириш ҳам инсоний бурчимиздир.

Юртбошимиз таъбири билан айтганда, савоб ишни ҳар ким ва ҳар куни қилиши керак. Зотан, Наврўздек қутлуғ байрам арафасида она юртимиз чиройига чирой, кўркига кўрк қўшиш, унинг энг чекка ҳудудларидаги қишлоғу овулларидан тортиб, улкан шаҳарларигача, хуллас, барча жойлар табиатига оро бериш, кўнгли ўксик, бетоб ва ёлғиз кишилар ҳолидан хабар олиш, уларга ғамхўрлик, хайр-саховат кўрсатиш халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган миллий анъаналаримиздандир.

Мажлисда мутасадди вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари зиммасига Наврўз байрамини муносиб нишонлаш мақсадида амалга оширилаётган ишларни янада фаоллаштириш, кўчат экиш, кўкаламзорлаштириш, табиий мусаффолик ва озодаликни сақлаш билан боғлиқ тадбирларни изчил ташкил этиш вазифаси юкланди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари А.Исаев, Т.Холтоев, Д.Ғуломова, Тошкент шаҳри ҳокими К.Тўлаганов сўзга чиқди.

**(ЎзА).**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ФАРМОНИ*

## Ўзбекистон Республикаси энергетикасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш тўғрисида

Энергетика соҳасида бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, энергетика тармоқлари корхоналарини бошқаришни такомиллаштириш ва уларнинг иш самарадорлигини ошириш ҳамда шу асосда мамлакат энергетика тизимининг барқарор ишлашини таъминлаш, иқтисодиёт ва аҳолининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида:

1. Қуйидагилар энергетика соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари деб ҳисоблансин:

энергетика тармоқларини монополиядан чиқариш тадбирларини изчил амалга ошириш, давлат томонидан тартибга солиш даражасини пасайтириш, электр энергиясини сотиш соҳасида рақобат муҳитини яратиш, хўжалик юритувчи субъектларнинг электр узатиш линияларига боғланишлари учун тенг имкониятлар ва шарт-шароитлар яратиш;

энергетика тармоғининг йирик корхоналари — иссиқлик электр станциялари, марказлаштирилган иссиқлик-электр қурилмалари, электр тармоқлари корхоналари ва бошқаларни босқичма-босқич акциялаштириш;

ижтимоий инфратузилма объектларини, лойиҳалаш, қурилиш-монтаж ва тузатиш ишларини олиб борувчи корхоналар ва ташкилотларни жадал суръатларда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, улар негизида мулкчиликнинг нодавлат шаклларидаги корхоналар, шу жумладан хусусий корхоналар ташкил этиш;

энергетика корхоналарини акциялаштириш, ишлаб чиқарувчи қувватлар ва электр тармоқларини реконструкция қилиш, техника билан қайта жиҳозлаш ва янада ривожлантириш жараёнларига чет эл инвестицияларини кенг жалб қилиш;

электр ишлаб чиқариш, уни узатиш ва сотиш бўйича бошқарув тизимига ва хўжалик алоқаларига бозор тамойиллари ва механизмларини жорий этиш;

энергетика қувватлари ва кўмир саноатининг ўзаро боғлиқ ва мутаносиб ривожланишини таъминлаш.

2. Энергетика корхоналарини монополиядан ва давлат тасарруфидан чиқариш ҳамда акциялаштириш масалалари бўйича махсус комиссиянинг:

Ўзбекистон Республикаси Энергетика ва электрлаштириш вазирлигини тугатиш ва унинг таркибий бўлинмалари негизида очиқ акциядорлик жамияти шаклидаги "Ўзбекэнерго" давлат-акциядорлик компанияси ("Ўзбекэнерго ДАК")ни ташкил этиб, унинг таркибига мустақил юридик шахс ҳуқуқлари билан "Кўмир" акциядорлик бирлашмасини киритиш;

"Ўзбекэнерго" давлат-акциядорлик компанияси тузилмасида электр энергияси узатиш бўйича юқори кучланишли тармоқлар шўъба корхонаси ("Ўзэлектртармоқ") ташкил этиш;

"Ўзбекэнерго" давлат-акциядорлик компаниясининг электр энергиясини тақсимлаш ва сотиш бўйича минтақавий шўъба корхоналарини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

3. Қуйидагилар "Ўзбекэнерго" давлат-акциядорлик компаниясининг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари этиб белгилансин:

республика иқтисодиёти ва аҳолисини электр энергияси билан барқарор таъминлаш, республика энергетика тизими иш режимларини бошқариш ва мувофиқлаштириш;

электр энергетикаси ва кўмир саноатини ривожлантиришнинг қисқа муддатли ва узоқ муддатли прогнозларини ҳамда мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш, электр энергияси ва кўмир ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш балансларини шакллантириш;

ишлаб чиқарувчи қувватлар ва электр тармоқларини, кўмир саноати корхоналарини замонавий асбоб-ускуналар ва илғор технологиялар асосида, шу жумладан хорижий инвестициялар ҳисобига реконструкция қилиш, замонавийлаштириш, техника билан қайта жиҳозлаш ва янада ривожлантириш;

кўмир қазиб олиш бўйича геология-разведка ишларини мувофиқлаштириш, кўмир конларини очиш ва кўмир қазиб олишнинг самарали тизимлари ва усулларини жорий этиш, уни ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқаришда ундан устун даражада фойдаланиш, энергиянинг қайта тикланадиган, шу жумладан ноанъанавий манбаларини ривожлантириш ва жорий этиш;

республика корхоналари ва ташкилотлари билан биргаликда электр энергияси ва кўмирни тежаш, улардан оқилона фойдаланиш ва нобудгарчиликни камайтириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини ташкил этиш.

4. Белгилаб қўйилсинки:

"Ўзбекэнерго" давлат-акциядорлик компанияси Ўзбекистон Республикаси Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги томонидан тузилган шартномалар ва мажбуриятлар бўйича унинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

иссиқлик электр станциялари, иссиқлик электр марказлари, электр тармоқларининг вилоят корхоналари босқичма-босқич акцияларнинг назорат пакетини "Ўзбекэнерго" давлат-акциядорлик компаниясида сақлаган ҳолда акциядорлик жамиятларига айланиб борадилар.

5. Мустақил Электр энергетикада назорат бўйича давлат агентлиги ("Ўздавэнергоназорат" агентлиги) ташкил этилсин.

Белгилаб қўйилсинки, "Ўздавэнергоназорат" агентлиги ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисоб беради.

6. Қуйидагилар Электр энергетикада назорат бўйича давлат агентлигининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

электр энергияси ва кўмир ишлаб чиқариш, ташиш ва истеъмол қилиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва қоидаларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ҳамда уларнинг бажарилишини назорат қилиш;

электр энергияси ва кўмир ишлаб чиқариш, ташишда хавфсизликни таъминлашга қаратилган профилактик чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши ва уларнинг амалга оширилишини ташкил этиш;

лойиҳаларни экспертизадан ўтказишда ҳамда электр энергияси ишлаб чиқариш, ташиш ва истеъмол қилиш хавфсизлигини таъминлаш бўйича янгидан қурилган объектларни қабул қилиш ишларида қатнашиш;

ягона электр тизимига уланадиган доимий электр станцияларда электр энергияси ишлаб чиқаришни белгиланган тартибда лицензиялаш ишини ташкил этиш.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартишлар ва қўшимчалар тўғрисида бир ой муддатда таклифлар киритсинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида" 1990 йил 28 сентябрдаги ПФ-57-сон Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мазкур Фармонни амалга ошириш юзасидан ўн кун муддатда қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2001 йил 22 феврал.

## КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ислоҳотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгашнинг давлат бошқаруви тизимини демократлаштириш ва сиёсий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича ишчи комиссияси йиғилиши бўлиб ўтди. Уни мазкур комиссия раиси, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ директори А.Саидов бошқарди.

Йиғилишда идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгашнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ислоҳотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш ишчи комиссиялари фаолияти тўғрисида 2001 йил 11 январдаги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг жамият ҳаётининг сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш ва эркинлаштириш, хавфсизликни таъминлашга доир дастурларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида 2000 йил 2 июндаги Фармони ижросини таъминлашга доир ҳаракатлар дастурининг бажарилиши кўриб чиқилди.

Муҳокама жараёнида ишчи комиссия фаолиятининг асосий йўналишлари белгилаб олинди, Ислоҳотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгашнинг давлат бошқаруви тизимини демократлаштириш ва сиёсий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича ишчи комиссияси таркибида кичик ишчи гуруҳлари тузилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси В.Голишев иштирок этди.

**(ЎзА)**

## БОЗОР ТАЛАБИ — ҚАТЪИЙ ТАЛАБ

*Пойтахтдаги «Қизил тонг» очиқ турдаги тикувчилик ишлаб чиқариш акциядорлик жамиятида шу йилнинг 2 ойи мобайнида 216 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди. Эътиборли томони шундаки, ана шу маҳсулотлар омборда йиғилиб қолгани йўқ, аксинча, ҳаммаси истеъмолчиларга етказиб берилди. Бозор талаби қатъий талаб эканлигини чуқур англаган ҳолда буюртмачилар билан тузилган шартномага қатъий риоя қилиш, шу асосда фаолият юритишнинг самарасидир. Айни кунларда ҳам меҳнат аҳли харидорларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиб, эркаклар ва болалар учун янги фасондаги плашч, куртка, костюмлар тикишга алоҳида эътибор бермоқда.*





**СУРАТЛАРДА:** цех бошлиғи Матлуба Жавкарова Қутбихон Алимбекованинг меҳнати маҳсулидан мамнун; илғор тикувчи Гулнора Омонова.

Нўъмонжон **МУҲАММАДЖОНОВ** олган суратлар.

## Имкониятлардан тўла фойдаланиш — муваффақият гарови

***Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг кенгайтирилган ҳайъат йиғилишида Агросаноат мажмуининг Президентимиз Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2001 йилда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалари муҳокама этилди.***

Бош вазир ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Т.Холтоев бошқарган йиғилишда алоқадор вазирлик, қўмита, компания, идора ва ташкилотлар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари иштирок этдилар.

Сўзга чиққанлар мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар самарадорлигини ошириш кўп жиҳатдан агросаноат мажмуига кирувчи корхона ва ташкилотларда ишнинг замон талаби даражасида олиб борилишига боғлиқлигини қайд этдилар. Ўтган йили минтақада об-ҳаво ноқулай келишига қарамай, қишлоқ хўжалиги корхоналарида иқтисодий барқарорликка эришилган бўлсада, мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланилди, деб бўлмайди. Негаки, соҳада аграр ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини тушуниб етмаган, уқувсиз, тажрибасиз, ҳайбаракаллачи раҳбарлар ҳали-ҳамон учраб турибди. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, замонавий технологияларни қўллаш, ширкат хўжаликларининг ички механизмини такомиллаштириш ҳамда тармоқда фаолият юритишнинг муқобил усулларини яратиш борасидаги ишларни кўнгилдагидек, деб айтиш қийин.

Шу боис, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи — пахтачиликда талай хато ва камчиликларга йўл қўйилди. Айниқса, ер ҳайдаш, ариқ-зовурларни тозалаш, ернинг шўрини ювиш, тупроқнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, техника, ишчи кучи, сув, уруғ, ўғит, озуқа ҳамда ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари ва бошқа ресурслардан оқилона фойдаланилмади. Айни вақтда толаси жаҳон бозорида харидоргир бўлган ғўза навларини кўплаб яратиш ва уларни ҳар жойнинг иқлим-шароитига қараб жойлаштириш масаласи ҳам долзарб муаммо бўлиб турибди.

Йиғилишда қишлоқда аграр ислоҳотларни чуқурлаштириш ва кўп тармоқли иқтисодиётни вужудга келтириш, шартномавий муносабатларни, айниқса, чек тизимини, суғориш ишларини такомиллаштириш, соҳадаги ишлаб чиқариш тармоқларига чет эл сармояларини кенгроқ жалб этиш борасидаги муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков сўзга чиқди.

**(ЎзА)**

## Йил якунлари ва келгуси вазифалар

Гулистонда вилоят фаолларининг 2000 йилда Сирдарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокими А.Исроилов маъруза қилди. Ҳоким эришилган ютуқларни қайд этиб, асосий эътиборни ўтган йили йўл қўйилган хато ва камчиликлар таҳлилига қаратди. Устувор йўналишларда — қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, тадбиркорликни ривожлантириш, инвестиция дастурларини амалга ошириш ва бошқа соҳаларда ҳам сусткашликка йўл қўяётган, ташаббускорлик кўрсатмаётган айрим хўжалик, туман, вилоят муассасалари раҳбарлари қаттиқ танқид қилинди.

Хусусан, Боёвут ва Шароф Рашидов туманларида ҳанузгача биронта ҳам қўшма корхона барпо этилмаган. Гулистон туманида аккумуляторлар йиғиш ва электр пайвандлаш ишлари учун электродлар тайёрлаш бўйича иккита қўшма корхона хомашё базаси йўқлиги сабабли тугатилган. Бизнинг шароитимизда маҳаллий хомашё асосида ишлайдиган қўшма корхоналаргина ривожланиши мумкин. Саноатда ҳам мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Масалан, вилоятимизда катта қурилиш ишлари амалга оширилаётир. Қурилиш учун зарур бетон плиталар ва блоклар бошқа вилоятлардаги заводлардан келтирилмоқда. Ваҳоланки, кучли ишлаб чиқариш базасига эга бўлган Янгиер қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинати тўхтаб қолиш арафасида турибди.

Йиғилишда қишлоқ хўжалигидаги муаммоларга, хусусан, ирригация тизимини таъмирлашга алоҳида эътибор қаратилди. Сайхунобод ва Гулистон туманларида бу йўналишдаги ишлар қониқарсиз аҳволда. Бетон ариқларнинг ярмидан кўпи эскирган. 1200 километр узунликдаги яроқсиз ариқларнинг 80 километри янгиланган, холос. Вилоят деҳқонлари учун ўтган йилги сув тақчиллиги жиддий сабоқ бўлиши керак. Мирзачўл шароитида қишки суғориш ишлари, далаларни маҳаллий ўғит билан озиқлантиришга алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Чунончи, Меҳнатобод туманидаги 45 та деҳқон (фермер) хўжалиги йил қурғоқчил келганлигини баҳона қилиб, давлатга бир грамм ҳам ғалла сотмаган.

Йиғилишда республика Бош вазири ўринбосари В.Отаев сўзга чиқди.

**Тўлқин АХМАДАЛИЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

* * *

***Шунингдек, йил якунларига бағишланган фаоллар йиғилишлари Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Жиззах, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида ҳам бўлиб ўтди.***

## АСОСИЙ ҚОНУННИ ЎРГАНАМИЗ

«2001-2002 ўқув йилидан бошлаб мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасаларида, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларида «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш» курсларини ўқитишга киришсинлар» — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Конституцияни ўрганишни ташкил этиш тўғрисидаги Фармойишидаги ушбу сатрларни амалий фаолият учун дастур қилиб олган Тошкент техника университети қошидаги миллий лицей педагогик жамоаси Асосий Қонун тарғиботи бўйича пухта режалар тузаяпти. Куни кеча «Баҳор» концерт залига бутун лицей талабалари тўпландилар. Анжуманда зерикарли маърузалар, ортиқча панду насиҳат бўлгани йўқ. Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов, Ўзбекистон халқ шоирлари Жуманиёз Жабборов, Нормурод Нарзуллаев тўпланганларга Ватан туйғуси, Конституцияга бағишлаб ёзган шеърларини ўқиб бердилар. «Ўзбекрақс» бирлашмаси санъаткорлари тайёрлаган бадиий композиция ҳам йиғилганларга манзур бўлди.

— Миллий истиқлол ғояси, муҳим ҳужжатлар бандларини ёшларга ҳаётий мисоллар, бадиий ифодалар орқали сингдириш яхши самара бераяпти, — дейди лицей директори Абдуқодир Норқулов. — Бундай тадбирлар билим юртимиз учун доимий анъанага айланади.

**С. ЖАББОРОВА.**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI



# ДЎСТЛИК ОФТОБИ НУРАФШОН ЭТДИ

Чўл табиати иноқлик, тотувликни ёқтиради, аҳиллик ва тадбиркорликни талаб қилади. Шу боис кишиларнинг саҳрода барпо қилган қўрғонлари ҳам доимо мустаҳкам бўлган. Ховос ва Сардоба деб аталадиган қўрғонларнинг, Буюк ипак йўлида жойлашган қўҳна Сирдарёнинг бағри кенг, олижаноб, танти кишиларга Ватан бўлгани бежиз эмас.

Сирдарё, қайси давр бўлмасин, ҳар хил тақдирдаги кишиларга бағрини очган, Ватан ичидаги Ватан бўлган. Бир қарич ерини ҳам мўғулга раво кўришни истамаган Темур Малик худди ана шу ерларда шуҳрат топди. Бобур Мирзо ҳам умрининг энг оғир дамларида Ховос қирларида маълум муддат умргузаронлик қилди. Ана шундан кейин «Ҳинд сори юз тутди»...

Мирзачўлнинг, айтиш жоизки, ўзига хос, ўзига мос тарихи бор. Унинг илдизлари узоқ-узоқларга бориб тақалади. Мухтасар қилиб айтганда, Сирдарё ҳали ёзилмаган, айтишга журъат қилинмаган тарихга эгадир. Бу кўҳна тарих мустақиллигимизнинг шарофати билан энди ўрганила бошланди, десак муболаға бўлмайди. Тарих ўзининг ҳақ сўзини энди айтмоқда. Лекин шу нарса аниққи, бир ёғи қардош тожикнинг сервиқор тоғлари, бир ёғи қалби дарё қозоқнинг бепоён даштларига туташиб кетган замин бағрида ўзбегу тожик, қирғизу қозоқ азал-азалдан аҳил, иноқ, қудаанда бўлиб яшаб келаяпти. Яқин ўтмишда давр тақозоси билан уларнинг сафига яна ўнлаб миллат вакиллари келиб қўшилди. Мирзачўл бағрида бунёд бўлган Гулистон, Янгиер, Ширин, Сирдарё шаҳарлари, Сирдарё ГРЭСи, улкан сув иншоотлари, боғу-роғлар, завод- фабрикаларни дўстлик қўрғонлари, қардошлик ришталарининг рамзлари, белгилари, деб аташ мумкин.

Мустақиллигимиз туфайли, айтиш жоизки, дўстлик ва биродарлик офтоби янада нурли бўлди. Унинг ёрқин шуъласи русу тожик, ўзбегу қозоқ, корейсу украиннинг қалбини бирдай илитди, нурафшон этди. Ҳозир Сирдарёда 650 мингдан зиёд аҳоли яшайди. Ўзбеклардан ташқари 37,1 минг нафар рус, 10, 6 минг нафар корейс, 26,1 минг нафар қозоқ, 55,8 минг нафар тожик, 12,5 минг нафар бошқа миллат ва элатлар бор. Уларнинг тили, маданияти, урф-одатларини ривожланиши учун доимо ғамхўрлик қилиб келинмоқда.

«Яна бир муҳим вазифамиз, — деб айтган эди Республикамиз Президенти Ислом Каримов, — бу Ўзбекистонда яшаётган барча элатларнинг тили, маданияти, урф-одатлари ва анъаналарини ривожлантиришга кўмаклашиш, уларга яратиб берилган имконият ва шароитларни кенгайтиришдан иборат. Шу орқали юртимизда қарор топган миллатлараро тотувлик ва барқарорликни сақлаш, уни кўз қорачиғидек асраш — ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир». Юртбошимиз таъкидлаганларидек, мустақил юртимизда азалий дўстлик, қардошлик ришталарини янада мустаҳкамлаш ҳар биримизнинг энг муқаддас, энг шарафли бурчимиздир. Шу сабабли вилоятда ўтказиладиган қандай тадбир бўлмасин, у йирик анжуман бўладими, халқ сайли бўладими, тўютомоша бўладими, миллатлараро муносабатлар доимо диққат-эътиборимизда туради.

Вилоятимизда, айни пайтда, славян халқларини бирлаштирган «Рус» миллий-маданий маркази, корейс, шунингдек, қирғиз ва қозоқ миллий-маданий марказлари фаол ҳаракат қилмоқда. Улар ўзларининг тили, маданияти, тарихи, урф-одати, анъаналарини сақлаш, ривожлантириш ҳамда кенг тарғиб қилиш учун маҳаллий ҳокимият ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ўнлаб маданий-сиёсий тадбирларни амалга оширдилар. Ҳозир вилоятимиздаги умумтаълим мактабларининг 53 та синфида ўқув машғулотлари рус тилида, 8 тасида тожик, 1 тасида қирғиз тилида олиб борилаяпти. Уларни зарур қўлланма ва дарсликлар билан таъминлаш масаласи доимий эътиборда. Гулистон Давлат университетининг қозоқ филологияси, рус тили ва адабиёти кафедраси илмий ишларга бош-қош бўлаяпти. Рус ва қозоқ йигит-қизлари ана шу даргоҳда ўз тилларида сабоқ олаяптилар. Вилоят ҳокимлигининг «Сырдарьинская правда» газетаси, вилоят прокуратурасининг «Зеркало» нашрлари рус тилида нашр қилинмоқда. Вилоят телерадиокомпанияси вилоятда яшаётган миллатларнинг хоҳиш-истакларини эътиборга олиб, тожик ва рус тилларида ҳам ҳар хил радиоэшиттиришлар ва телекўрсатувларини намойиш қилаяпти. Газеталар, кўрсатув ва эшиттиришларда ана шу заминда яшаётган барча миллат ва элатларнинг кундалик ҳаёти, турмуш тарзи ва муаммолари мунтазам ёритиб борилади.

Мамлакатимизда ҳар бир фуқарога миллати, ирқи, насл-насабидан қатъи назар, виждон эркинлиги кафолатланган. Шу боис вилоятда мусулмон масжидлари билан бир қаторда рус, корейс черковлари ҳам ишлаб турибди

Наврўз ҳар йили нафақат баҳор, балки қардошлик ва тинчлик байрамига айланиб кетади. Унда турли миллат вакиллари ўзларининг миллий дастурлари билан иштирок этадилар. Корейс халқ ашула ва рақс ансамбли нафақат вилоятимизда, балки республикада ҳам обрў-эътибор қозонган.

Қайси даражада бўлмасин, спорт мусобақалари, турли-туман кўрик-танловларда барча миллат вакиллари вилоятимиз ҳамда мамлакатимиз шарафини теппа-тенг ҳимоя қилмоқдалар.

Сирдарёни чин маънодаги байналмилал оилага қиёслаш мумкин. Негаки, бир ўзбекнинг оиласида тожикни ҳам, қозоғу қирғизни ҳам ёки руснинг хонадонидан корейсни ҳам топса бўлади. Улар худди бир ота-онанинг фарзандларидек иноқ, тотув ва ҳамжиҳатликда ҳаёт кечирмоқдалар. Уларнинг мақсадлари ягона ва муштарак. Энг муҳими, улар келажакка катта ишонч ва умид билан қарамоқдалар, унинг пойдеворини мустаҳкамламоқдалар.

**Камолиддин ОҚБЎТАЕВ,**
**Сирдарё вилояти ҳокимининг ўринбосари.**

## ГУЛИСТОНГА КЕЛИБ КАМ БЎЛМАДИМ

*Мен сени севаман, севаман, юртим,*
*Севган каби уйим, оилам, болам.*
*Сенинг учун доим хизматда тургум,*
*Мадҳингни битишдан чарчамас қалам.*

Шеър ўз-ўзича ёзилмайди. Мен ҳам шу муқаддас Ватан фарзанди, унинг фуқароси сифатида гоҳ ўтмишимиз, гоҳ бугунги кунимизга назар ташлайман.

## Илдизлари теран дарахт

Уларни ўзимча қиёслашга, изоҳлашга ҳаракат қиламан. Мен турк фарзандиман. 1944 йилдан буён Мирзачўлда яшайман. Отам урушда ҳалок бўлган. Онам беш фарзанд билан бева қолиб, бизни тарбиялаб, вояга етказди.

Биз ана шу заминда томир отдик, камол топик. Онам Сатут бизга ҳам оналик, ҳам оталик қилди. Меҳр-оқибат миллат танламас экан. Биз болалигимиздан ана шу заминга, унинг одамларига, табиатига меҳр қўйдик, улар билан қондош ва жондош бўлдик. Онам



бошларига қанчалик мусибат тушмасин, Гулистондан бир қадам ё нарига, ё берига кетмадилар. Ўзбеклар бизни, биз ўзбекларни туғишгандек кўриб яшадик. Биз фарзандлар ҳам она васиятига содиқ қолиб, Гулистонни ватанимиз, деб билдик, шу ерда меҳнат қилдик, оила қурдик, аввал фарзандли, энди неварали ҳам бўлдик.

«Ҳовли олма, қўшни ол», деганлари рост экан. Шу боис бўлса керак, Охунбобоев маҳалласи биз учун Ватаннинг бир бўлагидай бўлиб қолди. Болалигим шу ерда ўтди, ҳозир ҳам шу ерда яшаяпмиз. Қизиғи, авлодимизда олий маълумотли киши бўлмаган экан. 1964 йили Тошкентда ўқишни ният қилдим. Ҳужжатларимни Низомий номидаги педагогика институтига топширдим. Омадим чопиб, институтнинг химия-биология факультетига ўқишга кирдим. Мен учун бундан катта бахт йўқ эди. Институт йўлланмаси билан Гулистон тумани «Бешбулоқ» хўжалигидаги мактабга ўқитувчи бўлиб келдим. Шу орада армия сафида ҳам хизмат қилдим. Хизматдан кейин ўзимизнинг 10-мактабга ишга қайтдим. Бу ерда ишлаётганимга ҳам 36 йилдан ошибди. 22 йил илмий бўлим мудири вазифасида ишладим, 2 йил мактабга директорлик қилдим. Ўзим табиатан болажонман: уларнинг орасида юришни яхши кўраман. Менинг ана шундай даражага етишимда устозим Ғойибназар Сувонқуловнинг хизматлари катта. Касби гарчи ҳайдовчилик бўлса-да, Телман Сайдуллаев менга энг яқин дўст. Расул ака эса ҳам меҳрибон, ҳам ҳамдард бўлди. Шунча йил яшаб, биров сен у, сен бу демабди-я. Дунёнинг бирор мамлакатида, менингча, бундай бўлмаса керак.

Шу ерда яшаб, шу ерда ишлаб, шогирдлар орттирдим. Уларни кўрсам, ичичимдан қувониб кетаман. 4 фарзандим бор, 4 неваранинг бобосиман. Шеъриятга ҳам ихлос қўйганман. Баҳоли қудрат қалам тебратиб келаман. Вилоятимиздаги «Зиё» нашриёти «Дил изҳори» деб номланган илк шеърий тўпламимни чоп этди. Бу менинг энг катта бойлигим, қолаверса, одамларнинг, шу юрт фарзандларининг менга бўлган меҳри, эътибори натижасидир.

Дўст билан обод уйинг, дейишади. Бизнинг Ватанимиз ҳам турли халқларнинг дўстлиги, биродарлиги билан обод, ҳам файзли.

**Зоирбек АМИРАЕВ,**
**Гулистон шаҳридаги 10-ўрта мактаб ўқитувчиси.**



## Қўшниларим — таянчим менинг

Мен шу заминда туғилдим, улғайдим. Оиламиз Мирзачўлга 1930 йилларда Қозон шаҳридан ишлаш истагида келган экан. Отам Али ветеринария шифокори, онам Олия ишчи бўлган. Ўзбеклар уларга уйларининг тўридан жой беришган, кўп меҳрибончиликлар кўрсатишган.

Мен ҳам яхши эслайман, қишлоғимизда турли миллат вакиллари бир оила фарзандларидек яшардик. Биз татарлар тожик, қирғиз, қозоқ, ўзбеклар билан борди-келди қилардик. Қўни-қўшнилар ҳозир ҳам аҳилмиз. Мен оилада ёлғиз ўғил эдим. Опаларим — Манзура ва Софиялар турмушга чиқишганди. София опам фарғоналик йигитга кўнгил қўйганда, ота-онам ҳечам қаршилик кўрсатмаганлар. Аксинча, ўзбеклар билан қуда-андачилик насиб этган экан, дейишган. Қисқа фурсатда тўй бўлди.

Ногирон ўғлим бор. Унга маҳалладан ёрдам бериб туришади. Тўй-маъракаларни ўзбекча ўтказамиз. Қишлоқ аҳли билан ака-укадек бўлиб кетганмиз. Турли миллатга мансуб дўстларим бор. Фарзандларим — Наил механизатор, Рашид радиотехника устаси, келинларимнинг ҳар иккиси ҳам ҳамшира.

Қўшниларим — таянчим менинг. Улар доимо ёнимда. Кези келганда айтайин, қўшнимиз Муборак ая Иброҳимова иккинчи ўғлим Рашидга кўкрак сутини берган. Шу-шу Рашидни ая ўз ўғлидай кўради, бир-икки кун кўринмай қолса, дарҳол сўроқлайди.

Ўзбекистонга, ўзбекларга меҳримиз тушган. Шунинг учун ҳам ўзга жойни орзу қилмадик, уни ўзимизнинг Ватанимиз, дея биламиз. Ўзбекистонимни қачон ва кимдан бўлмасин, ҳимоя қилишга тайёрман. Фарзандларимни ҳам ана шундай руҳда тарбиялаганман, деб ишонч билан айта оламан. Чунки, улар чизган чизиғимдан бир қадам ҳам нари чиқмайдилар, Ватан учун хизмат қилишни фарзандлик бурчи, деб биладилар.

**Асим АБДУЮШЕВ.**
**«Деҳқонобод» хўжалигининг Умрзоқобод маҳалласи .**

## Илк қадамлар

«Рус» деб аталган миллий-маданий марказимизнинг ташкил топганига эндигина бир йил бўлди. Сирдарё вилояти аҳолисининг7 фоизини славянлар ташкил этади. «Рус»нинг таркиби, асосан, вилоятда яшаётган рус, украин ва белоруслардан иборат.

Марказимиз дастлабки йили ташкилий ишлар билан шуғулланди. Ўзимизга хос услубларни изладик, тасодифий тадбирлар ўтказишдан буткул воз кечиш йўлини танладик.

Ўтган йили халқаро хотин-қизлар куни арафасида мусиқа билим юрти ўқитувчиси Надежда Кулезнёва ташаббуси билан «Романсиада» ўтказишга қарор қилдик. Май ойининг охирида эса Гулистон Давлат университетининг доценти Людмила Хўжаева раҳбарлигида славян ёзуви байрамини ўтказдик. Ва уни ҳар йили рус тили байрами сифатида нишонлашга қарор қилдик.

Рус тилининг мусаффолигини сақлаш ва эъзозлаш мақсадида унинг тарғиботига жиддий эътибор қаратмоқчимиз. Бу марказимизнинг асосий фаолиятларидан бири бўлади. Университетнинг рус тили ва адабиёти кафедраси билан ҳамкорликда «Рус тили: амалиёт ва истиқбол» концепциясини ишлаб чиқдик. Ва яна бир қатор тадбирлар ўтказишни режалаштирдик.

Бундай сарҳисоб қилсак, ҳозирча амалда қўллаш мумкин бўлган лойиҳа тадбирларимиз камроқ. Бу табиий ҳол. Чунки «Рус»нинг айни пайтда, 200 га яқин аъзоси бор. Шу боис уни ватандошлари ҳузурига эндигина пешвоз чиқмоқда, дейиш мумкин.

**Вадим ДУБКОВ,**
**вилоят «Рус» миллий-маданий маркази раиси.**

## Эзгулик йўлида

Миллий-маданий марказимизнинг ёши истиқлол билан теппа-тенг: у 1991 йилда ташкил топган. Айни пайтда Гулистон, Сирдарё, Янгиер шаҳарларида маҳаллий марказимизнинг бўлимлари ишлаб турибди. Сирдарё шаҳар бўлимининг ишини алоҳида таъкидлашни истардим. Унга фаол ва тадбиркор аёл Римма Нам бошчилик қилади. Шаҳарда турли маданий ва хайрия тадбирларини ўтказиш одат тусига кирган.

Америкалик машҳур корейс аёл Ли Рут хонимни вилоятимизда фақат корейслар эмас, балки бошқа миллат вакиллари ҳам яхши билишади. У ногирон, хаста кишилар, айниқса, болаларга кўп меҳр-мурувват кўрсатган эди. Вилоятдаги «Гўзаллар уйи», «Меҳрибонлик уйи», «Саховат уйи»га тез-тез ташриф буюриб, совға-саломлар улашар, ҳатто бир неча болани фарзанди сифатида қабул қилиб, оналарча ғамхўрлик кўрсатганди. Ўтган йили ана шундай саховатли аёлнинг оламдан ўтганлигини эшитиб, жуда қайғурдик. Уни эслашдан мақсадим, марказимиз халқаро алоқалар борасида ҳам маълум ишларни амалга ошираётганини таъкидлашдир.

Вилоятдаги корейс аҳолисига ўз тили, миллий маданиятини мукаммал ўрганиши учун махсус ўқув курслари ташкил этилган. Ва бу ўз навбатида яхши натижалар бермоқда. Бундан ташқари, Янгиер шаҳридаги корейс миллатига мансуб болалар кўп ўқийдиган мактабларда корейс тили чет тили сифатида ўргатилмоқда.

Ўтган йил марказимиз ташаббуси билан Олим Хўжаев номидаги вилоят мусиқали драма театрида корейс санъаткорлари иштирокида икки марта концерт намойиш этилди. Жанубий Кореядаги «Ханнон» корейс жамияти томонидан уюштирилган концертга 200 нафардан зиёд санъаткор келди. Шунингдек, Ўзбекистон Мустақиллиги байрами арафасида бўлиб ўтган концертга ташриф буюрган санъаткорларнинг чиқишларини томошабинлар қизғин қарши олишди. Ҳар иккала концерт-тадбир ҳам катта байрамга айланиб кетди.

Марказимизнинг ишларини янада яхшироқ, кенг қамровли тарзда ташкил этиш борасида доимий иш олиб борамиз. Миллатдошларимизнинг қувончташвишларига ҳамиша шерик бўлиш, уларнинг тилак ва истакларига жавоб бериш, турли қизиқарли тадбирлар, концертлар ташкил этишга ҳаракат қилаяпмиз. Насиб этса, эзгулик йўлида қилишимиз керак бўлган ишлар ҳали олдинда.

**Александр ЛИ,**
**Корейс миллий-маданий маркази раҳбари.**

## Шукур, дейишимиз керак

Миллатим тожик, лекин Ўзбекистон мен учун жонажон Ватан ҳисобланади. Чунки бағри кенг ўзбеклар диёрида ўсиб-улғайдим, туп қўйиб, палак ёйдим.

Яқинда дўстлар ҳолидан хабар олиш учун қариндошлар диёрига боришимга тўғри келди. Гапнинг рости, туғилган ва болалигим ўтган Ўратепада, Нужоний қишлоғида узоқ туролмадим. Мактабларнинг ярим-ёрти фаолияти, иш йўқлиги туфайли катталар кун кўриш илинжида Россия томонларга кетиб қолишибди. Ичимлик сув, табиий газ, электр қуввати таъминоти ҳаминқадар. Бирорта янги иншоотга кўзингиз тушиши қийин. Гапларим муболаға эмас. Хайрлашаётганда серсоқол мўйсафиднинг айтган гаплари ҳамон қулоғим остида турибди. «Сизларга ҳавасим келади. Тинчлик, хотиржамлик, қолаверса, одамлар эзгу ишлар билан банд. Энг муҳими, улар эрталарига ишонадилар. Миллатлар ўртасидаги қардошлик, тотувликни айтмай қўя қолай. Сизлар ана шундай шароитни яратиб берган Йўлбошчингиз билан фахрланишингиз керак». Мўйсафид ўшанда менга ҳақ гапни айтди. Уйга келганимда, бу ҳақда яна бир бор ўйладим. Қўшниларимга айтсам, улар ҳам мўйсафиднинг гапларини тасдиқлашди.

«Пахтакор» қишлоғида истиқомат қиламан. Бизнинг қишлоқ кўп миллатли. Қўшниларим — ўзбек йигити Зулпон Норжигитов, рус қизи Фая Федоренко, татар аёли Розия Бойматовалар билан аҳил-иноқликда умргузаронлик қилиб келаяпмиз. Ана шунинг учун ҳам ҳаммамиз шукур, дейишимиз керак. Ишлайман, деганга, иш бор. Мана, ўзимдан қиёс. Ёшим етмишдан ошган бўлишига қарамай, 16 гектар ер олиб, фермер бўлдим. Олий маълумотли 7 ўғил, 1 қиз, келин ва набираларим ёнимга кирди. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан ўтган йилда 42 тонна пахта териб олдик. Шартнома режасини уддалаганимиз боис яхшигина моддий манфаат кўрдик. Пахтадан бўшаган ерларга кузда буғдой экдик. Ҳозир далаларимиз ям-яшил майса билан қопланган. Жорий йилда, камида 35 центнердан сара дон олмоқчимиз.

Ўғил-қизларимнинг ҳаммаси ҳаётда ўз ўрнини топган: бири шифокор, бири муҳандис, яна бири ички ишлар ходими. Фарзандларимнинг бугунги камолидан рафиқам иккимиз қувонамиз, улардан розимиз. Илоҳим, юртимизда тинчлик, хотиржамлик, тўкинчилик бўлсин, деб ҳар куни дуо қиламиз.

**Раим ҲАКИМОВ.**
**Мирзаобод тумани.**

## МУШТАРАК РИШТАЛАР

Қирғиз билан ўзбек азал-азалдан бақамти ҳаёт кечириб келади. Бунга диний яқинлиги, тиллари, урф-одатлари ва анъаналарининг бир-бири билан чамбарчас боғлиқлиги ҳам сабаб бўлган.

Зоминлик, бахмаллик, деб аталадиган қирғизлар Мирзачўлни ўзлаштириш йилларида вилоятнинг Шароф Рашидов, Меҳнатобод, Боёвут, Мирзаобод, Оқолтин туманлари, Янгиер, Ширин ва Гулистон шаҳарларига келиб, уйжой қуришган.

Мирзачўлни ўзлаштириш, Сирдарё вилоятини ташкил этиш, кўплаб янги шаҳар ва туманларнинг қад кўтаришида пахта устаси сифатида кўпчиликка танилган С.Усмонов, А.Қулбеков, У.Аллаёров, Я.Раҳмонқулов, Раим Қўзиев, Ў.Хўжамқулов, Эргаш Умаров, Товбой Мисиров каби донгдор кишилар ўзбеклар билан елкама-елка туриб меҳнат қилганлар. Сирдарёлик қирғизлардан нафақат уста пахтакорлар, балки кўплаб профессорлар, фан докторлари ва номзодлари ҳам етишиб чиққан.

Қирғиз миллий-маданий маркази вилоятимизда 1993 йилнинг январ ойидан буён фаолият юритаяпти. Марказимиз вилоятда яшаб, меҳнат қилаётган қирғизларнинг бошқа миллат вакиллари билан дўстлиги, ҳамкорлиги, бирлигини мустаҳкамлаш, қирғиз халқининг урф-одати, анъаналари, маданиятини тарғиб қилишга қаратилган тадбирларни амалга ошириб келмоқда.

Биз ўз олдимизга қўйилган вазифаларни бажаришда қардош халқларнинг, жумладан, қозоқ, корейс, татар, славян халқлари миллий-маданий марказлари ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда иш олиб бораяпмиз.

Бир қанча шаҳар ва туманларда вилоят қирғиз маданияти кунлари ўтказилди. Вилоятдаги барча байрам тадбирлари, жумладан, Мустақиллик куни, Наврўз байрамларида марказимизнинг «Жон-жоной» миллий этнографик ансамбли фаол ва узлуксиз қатнашиб келмоқда.

Буларнинг барчаси мустақиллик шарофати, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталарининг теран илдизларга эгалигининг натижасидир, деб ўйлайман.

**А.ЖОНИБЕКОВ,**
**Қирғиз миллий-маданий маркази раиси.**

**Материалларни Абдувоҳид ОЧИЛДИЕВ ва «Халқ сўзи» мухбири Исмат ХУДОЁРОВ тайёрлади.**

*Кеча республика Миллий матбуот марказида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббус гуруҳи ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди.*

## Янги ҳаракат ҳақида гурунг

**Анжуманда таъкидланганидек, дарҳақиқат, айни пайтда юртимизнинг қайси гўшасига бориб, ёшлар билан гаплашманг, янги ҳаракат ҳақидаги гурунгнинг устидан чиқишингиз, шубҳасиз. Улар жойларда Ҳаракатнинг Дастур ва Низоми лойиҳасини муҳокама қилишмоқда.**

**Анжуманда қайд қилинганидек, айни пайтгача Ҳаракатнинг Низом ва Дастури лойиҳаси юзасидан икки мингдан ортиқ таклиф-мулоҳазалар билдирилган.**

**Маълумки, жойларда ташаббус гуруҳи иштирокидаги тадбирлар икки босқичга асосланган. Биринчи босқич, яъни вилоятлар даражасидаги ёшлар билан учрашувлар, мулоқотлар бугунги кунда тўлиқ амалга оширилди, дейиш мумкин. Унинг навбатдаги иккинчи босқичи эса туман ва шаҳарларда бўлиб ўтади.**

**Ташаббус гуруҳи Ҳаракатнинг Дастур ва Низоми лойиҳалари юзасидан билдирилаётган таклиф ва мулоҳазаларни таҳлил этиш, умумлаштириш мақсадида иккита ишчи гуруҳи тузиш тўғрисида қарор қабул қилган. Ишчи гуруҳига, асосан, олимлар, мутахассислар, журналистлар жалб қилинган. Улар учрашувлар, йиғилишлар ҳамда оммавий ахборот воситаларидан келиб тушган таклиф-мулоҳазаларни чуқур ўрганиб, умумлаштирган ҳолда таҳлил қилмоқдалар.**

**Анжуманда, шунингдек, таклиф-мулоҳазаларни оммавий ахборот воситаларида ҳам кенг ёритиб бориш ҳақида таклифлар айтилди, кўпчиликни қизиқтирган саволларга жавоб берилди.**

**Музаффар НОРМАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Матбуот — ҳаёт кўзгуси

Мустақил давлат ижтимоийсиёсий ҳаётининг кўзгуси бўлган оммавий ахборот воситаларининг жамият тараққиёти, ислоҳотлар жараёнидаги ўрни қандай? Ўзгариш, янгиланишларнинг иштирокчиси ва тарғиботчиси бўлган журналист ўз фаолиятини жаҳон андозалари даражасига кўтариш борасида нималар қилаяпти? Наманган вилоят ҳокимлигида республика Олий Мажлисининг Матбуот ва ахборот қўмитаси, Давлат Матбуот қўмитаси ҳамда Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоийсиёсий жамғармаси томонидан ташкил этилган минтақавий семинар-кенгашда ана шу саволларга жавоб изланди. Унда Фарғона водийси оммавий ахборот воситалари вакиллари, матбуотни чоп этиш ва тарқатиш корхоналарининг раҳбарлари иштирок этдилар.

Семинар-кенгашда дастлаб наманганлик журналистларнинг оммавий ахборот воситаларига оид қонунлар ижроси бўйича олиб бораётган ишлари атрофлича таҳлил қилинди. Шу масала юзасидан сўзга чиққан Олий Мажлис Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси Ўткир Ҳошимов вилоят, туман, тармоқ газеталари, маҳаллий телевидение ва радионинг моддий-техник имкониятларини мустаҳкамлаш, миллий истиқлол ғоясини омма онгига сингдириш, журналистларнинг эмин-эркин ишлаши, зарур ахборот ва маълумотларни олиш борасида яратилган шароитлар бугунги кун талаби даражасида эканлигига алоҳида тўхталди. Жойларда «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун талаблари изчил бажарилаётганлиги таҳририят вакилларининг ўз ваколат ва ҳуқуқларидан ҳеч қандай тўсиқ ёки монеъликларсиз фойдаланишларига имкон яратмоқда. Натижада улар вилоят ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, замондошларнинг ташвиш ва қувончлари ҳақида ёрқин тасаввур берадиган пухта мақолалар тайёрлашга муваффақ бўлишаётир.

Анжуманда, шунингдек, журналистнинг янада ошкора ва дадил чиқишлар қилиши, ҳаётни тўлақонли ёритиши йўлида амалга оширилиши зарур бўлган вазифаларга эътибор қаратилди. Сўзга чиққанлар ижодий жамоалар ва муассис ўртасидаги шартномалар ижросини таъминлаш, таҳририятлар моддий-техник негизини жаҳон андозалари даражасига кўтариш, малакали журналист кадрлар тайёрлаш масалалари ҳамон кун тартибидан тушмаётганини таъкидладилар. Бундан ташқари, ҳамкасбларимиздан газета саҳифалари, телевидение экранида эркин мавзуларга кенг йўл очиб, ҳар бир воқеа-ҳодисага журналист муносабатини билдириш, туман матбуотини шу ҳудудга маънавий озуқа олиб кирувчи тезкор воситага айлантириш, қаламкашлар ижтимоий муҳофазаси, улар меҳнатини рағбатлантиришнинг самарали шакл ва усулларини ишга солиш зарурлиги ҳақида фикрлар билдирилди.

Мустақил давлат тараққиётининг асосий тамойилларидан бири жамиятни эркинлаштириш экан, бунда оммавий ахборот воситаларининг ташкилотчилик ва тарғиботчилик ролини асло инкор этиб бўлмайди. Шундан келиб чиқиб, самарали фаолият кўрсатишнинг етарли ҳуқуқий негизига эга бўлган матбуот ва телевидение ходимлари бугунги шиддатли жараёнларда ўз ўринларини янада мустаҳкамлашлари лозим, деган хулосага келинди пировардида.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



*Урганч туманидаги Мунис Хоразмий номли жамоа хўжалиги етакчи хўжаликлардан бири саналади. Жамоага чорак асрдан кўпроқ вақт давомида республикада хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими Шоназар ота Юсупов раҳбарлик қилиб келмоқда. Ёшларнинг меҳрибон устози саналган бу киши ҳукуматимиз томонидан «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мукофотланган. Айни пайтда хўжалик далаларида бўлсангиз, баҳорги юмушларга қизғин тайёргарлик кўрилаётганининг гувоҳи бўласиз.*

*Хўжалик аъзолари 900 гектар майдонда деҳқончилик қилишаётган бўлишса, шундан 270 гектари пахта, 300 гектари эса винобоп узум боғидан иборат.*

**СУРАТДА: Шоназар ота Юсупов шогирдлари — бригада бошлиғи Рустам Сафаров ҳамда Умрбек Полвоновлар билан қилинажак ишлар хусусида суҳбатлашмоқда.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

# ШАҲАРЛАР БИРОДАРЛАШГАНДА

Пойтахтимизда ТАСИС дастури доирасида “Биродарлашган шаҳарлар” бешинчи давра халқаро конференцияси бошланди. Унда дунёнинг кўплаб мамлакатларидан меҳмонлар, Европа Иттифоқи Комиссияси расмий вакиллари, “Биродарлашган шаҳарлар” дастури бўйича котибияти аъзолари иштирок этмоқдалар. Шунингдек, анжуманга мамлакатимизнинг барча вилоятларидаги шаҳарлар ҳокимлари таклиф этилган.

Конференцияни ўтказишдан кўзланган мақсад мазкур дастурнинг бешинчи даврасини расман очиш, ТАСИС доирасида тасдиқланган янги лойиҳаларни ҳаётга жорий қилишнинг дастлабки босқичларини муҳокама қилишдир. Шунингдек, анжуман иштирокчилари белгиланган вазифаларни баҳамжиҳат ҳал этиш йўлларини таҳлил этадилар.

Марказий Осиёда илк бор ўтаётган мазкур анжуманни Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлаганов очди.

ТАСИС доирасида амалга оширилаётган “Биродарлашган шаҳарлар” дастури МДҲ ҳамда Мўғилистон шаҳарлари маъмуриятларининг фаолиятини такомиллаштириш, маъмурий ва техникавий хизмат сифатини ошириш, маҳаллий бошқарув органлари ишини ривожлантиришда кўмак беришни кўзда тутади. Шаҳарлар ҳокимликлариаро тажриба алмашиш, хизматчилар малакасини ошириш учун уларни Европа Иттифоқи мамлакатларида ўқитиш ҳам режалаштирилган.

Халқаро интеграция жадал кенгайиб бораётган шароитда бу жараённи тараққиёт, илм-маърифат ва саноат маркази ҳисобланган шаҳарлардан айрича тасаввур қилиб бўлмайди. Дунёнинг бир шаҳрида тўпланган катта тажриба бошқа кентларида қўл келиши мумкин. Шу боис ҳам дунё шаҳарлари ўртасида ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш давр талабидир.

Анжуман давомида иштирокчилар дастур доирасига киритилган 36 лойиҳани муҳокама этади. Ҳар бир лойиҳа маҳаллий ёки ҳудудий бошқарув органлари ҳамда Европа Иттифоқига кирувчи маҳаллий ва ҳудудий бошқарув органлари вакиллари иштирокида кўриб чиқилади.

“Биродарлашган шаҳарлар” дастури доирасидаги ҳамкорлик шаҳарлар ҳаётининг турли жабҳаларини қамраб олган. Улар шаҳарларда бошқарув тизимини такомиллаштириш ва ҳаётга татбиқ қилиш, ҳудудий режалаштириш ҳамда ривожлантириш, атроф муҳит озодалиги, ободончилик, электр қувватининг самарали таъминоти, транспорт, соғлиқни сақлаш, аҳолини иш билан таъминлаш ҳамда шаҳарларни иқтисодий ривожлантириш билан боғлиқ масалаларни ўз ичига олган.

ТАСИС доирасида ўтказилаётган мазкур дастур бўйича Ўзбекистонда учта лойиҳа амалга оширилган. Булар — Бухоро билан Даниянинг Рингкобинг, Шоҳимардон билан Германиянинг Хохэнлоэкрайс, шунингдек, Хива билан Даниянинг Струер шаҳарлари ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича ишлаб чиқилган лойиҳалардир. Айни пайтда Европа Комиссияси 36 лойиҳани кўриб чиқди ва уларни молиялаштиришга қарор қилди. Ушбу лойиҳалар таркибида Самарқанд шаҳри ҳокимлиги билан Швециянинг Карлстад шаҳри муниципалитети ўртасидаги ҳамкорлик лойиҳаси ҳам тасдиқланди.

Анжуман иштирокчилари Самарқандда ҳам меҳмон бўладилар. Меҳмонлар шаҳар ҳокимлиги раҳбарияти билан учрашиб, шаҳарни ривожлантириш борасидаги ишлар билан танишадилар, ундаги тарихий обидаларни зиёрат қиладилар.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ҳ.Кароматов сўзга чиқди.

**Саидмурод РАҲИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

